



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 27 февраль, № 43 (4706) Жума

Сурхондарёда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилди. Бу ишларни юқори савияда ташкил этиш ва амалга оширишда вилоят ёшлари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

ОБОДЛИК ЯРАШГАН МАНЗИЛЛАР

"Камолот" ЕИХнинг вилоят кенгаши раиси Оллоқул Худойбердиевнинг айтишича, ҳар бир шаҳар ва туманда иқтидорли ҳамда фаол ёшлардан иборат бўлган тарғибот гуруҳлари ташкил топган. Айни пайтда бу гуруҳ аъзолари юрtdошларни халқимиз аъёнлари, урф-одатлари билан яқиндан таништириш мақсадида қизиқarli тадбирларни уюштириш билан банд. Жумладан, қишлоқ ёшлари ўртасида "Ешлик ва баҳор", "Юртимизни боғу бустонга айлантирайлик", "Наврўз байрами ва аъёнлари", "Биз Ўзбекистон фарзандларимиз", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз" мавзуларида учрашувлар ташкил этилмоқда.

Жойларда оммавий ва миллий спорт турларини ривожлантириш мақсадида уюштирилган аъёнлари байрам-олди мусобақалар бошлаб юборилди. Уларда юзлаб ўғил-қизлар иштирок этиб, ўзаро куч синашишмоқда.

— Ёшларни табиатга меҳр руҳида тарбиялаш, меҳнатсеварликка, соғлом турмуш тарзига ўргатиш мақсадида уларни ободонлаштириш ишларига кенг жалб этаёмиз, — дейди Оллоқул Худойбердиев. — Илгит-қизларимиз маҳалла ва қишлоқларда, ташкилот ва корхоналарда йўлга қўйилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этишмоқда. «Камолот»чилар ташаббус билан «Обод юртим, кўркям юртим», «Хар бир ёшдан — бир кўчат» ёшлар акциялари ташкил этилиб, ушқоқлик билан ўтказилаётипти. Тадбир доирасида аниқланадиган «Энг обод маҳалла», «Энг обод кўча», «Энг обод хонадон», «Энг фаол акция иштирокчиси» номинациялари ғолибларини Наврўз байрамида рағбатлантиришни режалаштирганмиз.

Вилоятда амалга оширилаётган яна бир жайрли ташаббус диққатга сазовор. У ҳам бўлса, вилоятдаги таълим-тарбия масканлари қошида фаол талабалар, ўқувчилар ва ёш ўқитувчилардан ташкил топган «Гамхўрлик гуруҳи»дир. Уларнинг аъзолари маҳалла ва қишлоқларда ёши улғу фахрийлар, меҳр-муруватга муҳтож ва ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга маънавий ва амалий ёрдам кўрсатиш билан банд бўлишмоқда.

— Маҳалламизда 6 мингдан зиёд аҳоли яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абрай Саидов. — Нимаки тадбир бўлса, барчасига нурунийларимиз бош-қош.

Гулбахор ТАНГИРОВА, ўз мухбири.

ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНГАН ДИЁР

Юртимизда хунар аҳлининг меҳнати юксак қадр топиб, эмин-эркин ижод учун қулай шарт-шароит яратиб берилган. Донги дунёга дoston хунармандларимиз истиқлол шарофати билан ўз асарларини хориж мамлакатларида намойиш этаётганликлари ҳам ана шу гамхўрликлар самарасидир.

Хунармандчилик

Бугун хунармандлар куч ва салоҳиятни ишга солган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш, ишлаб чиқарган маҳсулотларини ҳеч бир тўсиқсиз харидорга сотиш ҳуқуқига эгалар. Бунинг учун улардан даромад солиғи ва божхона тўлови талаб этилмайди. Зеро, Юртбошимиз раҳнамоллигида барча соҳалар қатори хунар ва ижод аҳлининг меҳнатини эъзозлаш, миллий аъёнларимиз асосидаги қадимий хунар турларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, 1997 йилда қабул қилинган «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъати янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш ва уни ёш авлодга етказишга муносиб улуш қўшаётган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш йўлидаги беҳиссам гаумхўрлик ифодасидир.

Уста Муҳаррам Иброҳимов ҳам аждодлардан мерос хунар — ёғоч ўймакорлиги санъатининг қалб кўри, кўз нуруни бағишлаб яратган асарлари Малайзия, Миср, Руминия, Жанубий Корея, Япония, Бахрайн, Саудия Арабистони ва Марказий Осиё давлатларидаги нуфузли санъат галереяларида сақланмоқда, яна бир қисми мухташам иморатлар кўрғида кўр кўшиб турибди. Қолаверса, мамлакатимиз пойтахти ҳамда вилоятлардаги қатор



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

ни ҳаёт мазмунига менгазайди. Шу босидан қирқ беш йилдириқ, отамерос касбини улғулаб келмоқда, «Уни ёшларга ўргатсам, миллий қадриятларимиз бардавомлигига ҳисса қўшсам, ўзбекинг қўли гул усталари яратган санъат асарлари жаҳонга танилса», деб интилади. Зеро, ўзи хунар ортидан қадру эъзоз тоғди. Бетақдор санъати ила дунёга танилди. Уста-

меъморий иншоотларда ҳам уста яратган ижод намуналарини учратиш мумкин. Хунарманд кўп йиллик ижодий фаолияти асосида олти миш нафардан зиёд шоғирдин камолга етказди. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги ўз мустақил фаолиятини йўлга қўйган муҳир усталаридир.

— Вақтида отамизнинг қаттиққўллик билан бизни меҳнатта, илму хунар эгаллашга ундаганларида кўп ва кўп ижодкор. — Хунарга меҳр қўйиб, ҳалол меҳнатимиз билан элга қайишдик ва кам бўлмадик. Тўғри, бир замонлар бўлдики, эмин-эркин ижод билан шуғулланиш, меҳнатга яраша рағбат у имтиёзлардан баҳрамандлик деган тўшунчаларни, ҳатто, хаёлан ҳам тасаввур

этомладик. Шу пайтлар умр, вақт, меҳнату кўз нурунимизни сарф этиб яратган буюмимизга бу соҳанинг ҳаминқадар саёв тасаввурга эга «мутахассислар»и баҳо беришарди, тўғрироғи, ишимиздан асосис равишда кўсур топишарди. Шукрки, бугун бундай таомиллардан буткул воз кечилган.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ДУНЁВИЙ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, мустақил ички ва ташқи сиёсий стратегияни аниқ белгилаб олиш борасида катта ютуқларга эришди. Қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлди. Айтиш жоизки, Ватанимиз ушбу ташкилотлар фаолиятида тенглар ичра тенг бўлиб, самарали иштирок этиб келмоқда. Улардан бири — жаҳондаги энг йирик ва тинчликпарвар ташкилот саналииш Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир.

2 март — мамлакатимиз БМТга аъзо бўлган кун

Ушбу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлиш Юртбошимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида олиб борилган барқарор ташқи сиёсат, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги муҳим қадамдир. Албатта, БМТга аъзо бўлиш халқаро миқёсда ўзига хос масъулият ҳамдир. Жумладан, унга аъзо давлатлар ташкилотининг 1945 йил 24 октябрда қабул қилинган низоми ва бар-

ча ҳужжатларига қатъий амал қилиши, уларнинг меъёрларига риоя этган ҳолда иш олиб бориши талаб этилади.

1992 йил 2 мартдан кейин ўтган ўн етти йил мобайнида Президентимиз уч марта (1993 йил сентябрь, 1995 йил октябрь, 2000 йил сентябрь) БМТ минбаридан туриб, халқаро аҳамиятга эга бўлган долзарб

масалаларни кўтариб чиқди. Давлатимиз раҳбари кўп бор БМТ Бош қотиби, Бош қотиб Уринбосари билан учрашди. Марказий Осиё минтақасининг глобал масалалари бўйича фикр алмашиш мақсадида мамлакатимизга БМТнинг нуфузли вакиллари бир неча

бор ташриф буюришди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш кераки, 2002 йил 18-20 октябрь кунлари Ўзбекистонга БМТнинг ўша пайтдаги Бош қотиби Кофи Аннанинг ўзи расмий ташриф билан келди. Афғонистондаги нотинч вазият, терроризм, диний экстремизм ва гиёҳзанд

(Давоми 2-бетда).

2009 Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Истиқлол йилларида Юртбошимизнинг бевосита йўл-йўриқ ва кўрсатмалари билан гўзал ва бетакрор шаҳарларимиз қаторида, барчамиз учун бирдек қадрдон бўлаён қишлоқларимизни обод қилиш, қиёфасини тубдан ўзгартириш, у ерда яшайётган заҳматкаш инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитини яратиб беришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади.



Водийларни яёв кезганда...

Мана шу эътибор ва гамхўрликнинг самараси ўлароқ, бугун олис ҳудудларимизда ҳам бир-биридан кўркям бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим даргоҳлари, тиббиёт муассасалари, маданий-маърифий масканлар, гузар ва хўбонлар барпо этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳли учун зарур бўлаён инфратузилма ривожлантирилмоқда. Бу ҳам ҳаммаси эмас. Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда жорий йили «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилдилар. Айниқ, ушбу йилда қишлоқ аҳли ҳаётини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар қилинади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганиларидек, «Она Ватан деган улғу ва муқаддас тушунча одамзод учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланади».

Газетамиз саҳифаларида ҳам Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан янги — «Водийларни яёв кезганда» деб номланган саҳифа ташкил қилдик. Зеро, қишлоқдаги яшаш-ишларни, ўзгаришларни кўриш учун оний нигоҳ қиёфа эмас, уни эътибор билан кузатиш, демакки, яёв кезмоқ жоиз. Мазкур саҳифада юртимизнинг кўзга кўринган олимлари, қишлоқ ҳўжаллиги соҳасининг етакчи мутахассислари, фермерлар, ижодкорлар ва олис ҳудудларда истиқомат қилаётган оддий одамларнинг дил сўзлари, мақолалари, ҳикоя ва шеърлари, интервью ҳамда суҳбатлар бериб боришни режалаштирганмиз. Бугунги сонда илқ саҳифа эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

4 - бетга қаранг.

Мамлакат бўйлаб

Пойтахтимизда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси филиалларининг техник, ташкилий ва молиявий самарадорлигини оширишга бағишланган бизнес-тренинг иш бошлади.

БИЗНЕС-ТРЕНИНГ МАШҒУЛОТЛАРИ

Бизнес-тренингда компания филиал ва корхоналарининг техник директорлари, раҳбар ходимлари иштирок этаётди. Эътироф этиш керак, сўнгги йилларда ахборот-коммуникация соҳаси янги технологиялар ҳисобига жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу анжуманини ўтказишда асосий мақсад ҳам соҳа ходимларини янги техника ва технологиялар билан яқиндан таништириш, молиявий-иқтисодий ва инновацион ҳамда инвестицион соҳалардаги билим ва кўникмаларини ошириш, замонавий телекоммуникация ютуқлари ҳақида муфассал маълумот беришдир.

Бир ҳафта давом этадиган бизнес-тренинг доирасида иштирокчилар бошқарувнинг замонавий технологиялари, янги авлод технологиялари (NGN ва IMS)нинг қурилиш асослари ва стандартлари, инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш, маркетинг, реклама ва нарх-наво масалаларига оид бир қатор мавзулардаги маърузаларни тинглашди. Бизнес-тренинг машғулотлари амалиёт билан биргаликда олиб борилмоқда.

Каримжон МУЛЛАБОВ.

Кўчат эк, боғ ярат!

Бухоро вилоятида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ички ойлари эълон қилинди.

Кўклам нафаси сезилиб қолган шу кунларда вилоят шаҳар ва қишлоқларида кенг қамровли ободончилик юмушлари амалга оширилмоқда. Гулзорлар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, қабристонларни обод қилиш сингари ишларда ёшу қари фаол қатнашмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, шу давр мобайнида 30 миң туп атрофда турли дарахт кўчатлари экилади, ўнлаб эйбатгоҳлар ободонлаштирилади.

Истом ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги «Фан ва тараққиёт» унитар корхонаси олимлари томонидан бетон ва асфальтбетон қопламали йўллар, кўприклар, аэродромларнинг деформацион чоклари ҳамда тирқишларини зичлаштиришда қўлланиладиган композицияли материаллар — мастикалар олиш технологияси ўзлаштирилди.

ЯНГИ ЛОЙИҲА АФЗАЛЛИГИ

Шу пайтгача ушбу ашёлар хориждан келтирилди. Импорт ўрнини босадиган юқори самарали ушбу зичловчи материаллар 30 даражали совуқ билан 110 даражадаги иссиқ ҳароратда ишлаш хусусиятига эга.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси олимларининг маълум қилишича, ишланма натижаларини саноят миқёсида қўллаш орқали йўл, кўприк ва аэродромларни тез-тез таъмирлашнинг олди олинди. Қолаверса, ишлаб чиқариладиган мастикаларнинг таннархи арзонлиги боис йилгига 2,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ иқтисод қилинади.

Одилхужа ПАРПИЕВ.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ КўПАЙМОҚДА

2008 йилда республикамизнинг умумий экспорт ҳажмида тайёр товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёд бўлди.

Шу тариқа, Ўзбекистон ҳам ашё этиштирувчи мамлакатдан — халқаро андозаларга жавоб беришчи тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи ўлкага айланмоқда.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН — ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Бугунги кунда Ҳазорасп туманидаги "Nazogasp-textil" масъулияти чекланган жамияти Хоразм вилоятидаги истиқболли корхоналар сирасига қиради. У бундан бир неча йил аввал ташкил этилган, аммо кейинчалик банкрот деб топилган "UNIXO" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси негизий республика "Асака" банкнинг молиявий кўмаги билан бунёд этилган. Шундан буён бор-йўғи бир йилча вақт ўтди. Утган даврда ишлаб чиқариш ҳақидаги эскириб қолган дастгоҳлар таъмирланди, баъзилари янгиларига алмаштирилди.

Ана шу босқичма-босқич амалга оширилган модернизациялаш дастури доирасидаги ишларга 2007 йилда 37399,10 евро ишлатилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида 3029,20 евро миқдорда маблағ сарфланди. Натижада 100 нафар киши иш билан таъминланди. Корхона эса йилга 2 минг 200 тонна пахта толасини қайта ишлаб, 1 минг 890 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Айни кунларда бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиги хорижга экспорт қилинмоқда.

йўқ, 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг биринчи ярим йиллигида яна 600 минг АҚШ долларилек 3 донга янги дастгоҳ сотиб олиб, ўрнатишни кўзлаб турибмиз. Бу ният амалга ошса, қўшимча 50 та иш ўрни яратилади, ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларимиз эса 50 фоизга ортади.

Корхонада, асосан, ёшлар меҳнат қилаётгани эътиборга сазовор. Улар Германиянинг замонавий илмий йиғирув дастгоҳларини ишлатишни пухта эгаллаб олишгани сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Маъмурият эса, ўз навбатида, ёш кадрлар учун барча шарт-шароитларни яратиб бераёпти. Уларнинг ҳар бири 200 минг сўмдан ортиқ маош олаётгани, иссиқ овқат, махсус кийим-кечак, транспорт билан таъминлангани бунинг тасдиғидир. Қолаверса, корхона ишчиларининг тўй-ҳашамларида ҳомийлик қилаёпти, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқда.

Бугун Ҳазораспнинг энгил саноатчиларнинг руҳи тегиқ, кайфияти баланд. Улар экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда етакчилик мавқеини янада мустаҳкамлаш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жорий йилда "Nazogasp-textil" масъулияти чекланган жамиятида 1920 тонна, яъни 3 миллиард 941 миллион 400 сўмлик калава ип ишлаб чиқариш, шундан 1800 тоннасини экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Амалда ҳозиргача 1233 тонна, яъни 2 миллиард 80 миллион 130 минг сўмлик калава ип ишлаб чиқарилиб, унинг 848 тоннаси хорижга жўнатилади.

— Бундай натижаларга эришиш учун, албатта, дастгоҳлар замон талабига жавоб бериши керак, — дейди корхона директори Рихситилла Юсупов. — Қолаверса, ишчи-хизматчилар малакаси ҳам шунга яраша бўлиши, улар учун зарур шарт-шароитлар яратилиши даркор. Бундан ташқари, ички ва ташқи бозорни яхши йўлга қўйиш лозим. Бизнинг ишлаб чиқаришда ана шу омилларга алоҳида эътибор қаратганимиз бугун ўз самарасини бермоқда. Лекин жамоамиз ана шу ишлар билан чекланиб қолаётгани

ЗАМОНАВИЙ ТУРМУШ ЗИЙНАТЛАРИ

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Қўзғаш вилоятида 530 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди. Натижада 700 та янги иш ўрни яратилди.

Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми эса 7 минг сўмдан 12 минг сўмга кўтарилди. Соҳада тадбиркорлар ташаббус кўрсатиб, ўз маблағларини жалб этаётгани кувонарлидир. Чунки, ҳусурий тадбиркор Манзура Ҳамдамова маиший хизмат комплекси учун ўтган йили 30 миллион сўм сарфлаган бўлса, Фафур Сиддиқов ўзининг кичик корхонасига 25 миллион сўмлик янги технология ўрнатиб, 6 кишини иш билан таъминлади.

Этиборлиси, вилоятнинг энг олис қишлоқларида ҳам тикувчилик, сарта-рошхона, пойабзал тикиш, таъмирлаш, уяли телефонларга хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Жумладан, Форш туманининг Ҳўм,

Зомин туманининг Аччи, Бахмал туманининг Қатортол қишлоқлари аҳли шундай хизмат турларидан баҳраманд бўлди. Чунки ўтган йили ана шу қишлоқларда 165 та иш ўрни, 130 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси очилди.

Жорий йилда хизмат кўрсатиш кўлами янада кенгайиб, сифати яхшиланади. Негаки, вилоят қишлоқларида 185 та иш ўрни, 138 та янги шохобчани очиб, мавжудларини жиҳозлаш ва малакали кадрлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бу мақсад учун ҳусурий тадбиркорлар томонидан 500 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланади.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Водийларнинг яёв кезганда...

2009 йил мобайнида қишлоқ жойларда 67 та қўшимча автобус йўналишини очиб ҳисобига аҳолига кўрсатилаётган автотранспорт хизматлари даражаси ва сифати оширилади.

Қишлоқ яшнаса, олам яшаргай

Жорий йилнинг февраль — ноябрь ойларида умумий узунлиги 1836 километрлик сув ўтказиш ва водопровод тармоқлари қурилиб, 304 та қишлоқ аҳоли пунктида сув таъминоти объекти реконструкция қилинади.

2009 йилда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ҳисобига 140 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Жорий йилнинг март — декабрь ойларида қишлоқ жойларда замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарувчи 6 та корхона фойдаланишга топширилди.

Қурилиш материаллари — цемент, металл маҳсулотлари, деворбоп материаллари арзон нархларда сотиш бўйича жойларда 77 та фирма дўкони ва уларнинг филиали ташкил этилади.

Бу йил республикамизда узунлиги 153,9 километр бўлган электр энергиясини узатиш линиялари ва 2 та ёрдамчи станция қурилади.

2009-2012 йиллар мобайнида қишлоқ жойларда узунлиги 271,1 километр бўлган, шу жумладан, 115,6 километрлик юқори босимли, 155,6 километрлик ўртача ва паст босимли газ қувурлари мукамал таъмирланади.

2009 йилда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигига 7547 та, шу жумладан, лизинг ҳисобига 5902 та, тижорат банклари кредитлари ҳисобига 1208 та, фермерларнинг ўз маблағлари ҳисобига 437 та техника етказиб берилди.

Бу йил республикамизда чорва озукиси майдони 46,4 минг гектарга кўпайтирилиб, жами 324,6 минг гектарга етказилди.

2009 йилда мамлакатимизда омихта ем ишлаб чиқариш ҳажми 803,5 минг тоннага етказилди.

Жорий йилда жойларда 98 та зооветеринария пункти ташкил этилиб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади.

2009 йилда иктисошлаштирилган сув ҳўжалиги қуриш ва фойдаланиш ташкилотлари, судан фойдаланувчилар уюшмалари ва фермер ҳўжалиқларига 130 та экскаватор, 30 та бульдозер ва бошқа мелiorатив техника ҳамда машина-механизмлар етказиб берилди.

Яна битта ҚВП қурилади

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Бўхоро вилоятининг Қорақўл туманида саломатлик масканлари сонини яна учтага кўпайди.

"Сайёд", "Човли", "Қорақўл" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудда қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсата бошлади. Ушбу қишлоқ шифо масканлари туман марказидан 20-25 километр оғирда жойлашгани инobatта олинса, қишлоқ аҳолиси учун катта қулайлик яратилгани аён бўлади. Жорий йилда тумандаги унта қишлоқ врачлик пункти биносини таъмирлаш, "Ваҳми" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда эса янги ҚВП қуриш мўлжалланмоқда. И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАЪМИНОТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Бугунги кунда туманда янги ташкил этилган "Чорва озукиси" масъулияти чекланган жамиятининг тўққизта шохобчаси доимий фаолият кўрсатмоқда. Дастлабки кунларда улар орқали 21 минг бош қорамолга озукта етказиб берилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 40 минг бошдан ошди. Фақат кейинги икки ойнинг ўзида чорвадорларга 174 миллион сўмликдан зиёд омихта ем, шрот ва шелуха сотилди. — Қорамол ҳўжалиги оилавий бизнесимизга айланган, — дейди меҳнатбодлик Салоҳиддин Қамаридинов. — Бу


Қарор ва ижро

нархларда ола бошлаганимиздан сўнг уларнинг сонини 14 бошга етказдик. Маҳалладаги гушт дўконини ўз маҳсулотларимиз билан таъминлашмиз. Натижада хонадонимиз бюджетига ҳар чоракда 3-4 миллион сўм соф фойда тушмоқда. Мингбулоқ — Марказий Фарғонада жойлашган қўриқ туманлардан бири. Бу ерда кейинги йилларда чорвачилик ҳам даромадли тармоққа айланиб бораётган. Айни чоғда туманда 16233 нафар жисмоний, 12 юридик шахс ушбу юмуш билан шуғулланмоқда. Улар ичидан 34,5 минг бош қорамол, 14,5 минг бош қўй-эчки мавжуд. Паррандчилик ҳам ривожлантиришмоқда. Бу ички бозорни гўшт ва сўт маҳсулотлари билан тўлдириб, аҳоли бандлигини таъминлаш имконини бераётган.

Самад бобо Сатторов — таниқли деҳқон. Қарши туманидагина эмас, балки воҳода ҳам уни кўпчилик яхши билади. Иссиқхонасида етиштирган шифобахш лимонларини сўраб келувчиларнинг кети узилмайди.

ДАРОМАД МАНБАИ

— Иссиқхона ҳўжалиги — сердаромад, лекин меҳнати оғир, — дейди у. — 2 сотихдан кўпроқ ерда барпо этилган иссиқхонамизда 22 түп лимон парваришляпмиз. Ҳар йили 1-1,2 тонна шифобахш мева етиштирамиз. Шунинг ҳисобига 10 миллион сўм фойда оламиз. Самад бобонинг ўгли Қажрамоннинг ҳам 2 сотихлик иссиқхонаси бор. У бу йил 18 түп лимон дарахтидан 1 тоннага яқин ҳосил олибди. Шунинг ўзидан 8 миллион сўм даромад килибди. Бундан ташқари, ховлисида помидор, булғор қаламйиқ, баклажон қўнати етиштиради. Плёнка остига боднинг экади. Булар эса 4 миллион сўм даромад келтиради... — Даромадидан "Да-



Матонат ва шижоат бешиги

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоятига ташрифи чоғида "Дунёда ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Лекин йил бўйи дашту саҳрода кезадиган, қишинг қаҳратони, ёзнинг жазирасига бардош бериб, керак бўлса, қўй-қўзисини бағрига босиб жалаю дўлдан асрайдиган чўпон-чўқиллар меҳнатини ҳар қанча улугласак арзийди" деб алоҳида таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Қажрамони, "Бирлик" ширкат ҳўжалигининг бош чўпони Серикбой Сағатов шундай чўпонлардан бири. У — саҳронинг ҳар бир дашту даласини қаричлаб чиққан инсон. Содда, камтар, камгап. Қирқ йилдириқ, чўпон тағбини ардоқлаб келади. — Ҳар бир отар учун ширкатда ҳисобварақ очилган, — дейди Серикбой оға. — Унда йил давомида харажатлар ва даромадлар қайд этилиб борилади. Яқунда эса рақамлар тилга қиради. Чўпон қанча маҳсулотни неча сўмдан сотди, қанча даромад олди, харажат миқдори қанчалик ташкил этди, соф фойдаси рентабеллик даражаси қанча бўлди — буларнинг

рози териларнинг ҳар донаси 12 минг сўмдан сотилаёпти. Бу ноёб қорақўл терилар икки йилдан бери Россия Федерациясига, сўр ва қора рангли, жимкимадор терилар эса Германияга экспорт қилинмоқда. Ўтган йили бундай сифатли қорақўл терилар 40 минг донадан ошди. Томдликлар жорий йилда 270 минг бош қўй-қўзи, 2700 бош йилки, 1700 бош туяни қишлоқдан бетафлот олиб чиқилди. Бунда чорва қишлоқовига пухта тайёргарлик кўрилгани, жумладан, 163 ёпик, 465 очик қўра, 142 та чўпон уяи сифатли таъмирдан чиқарилгани, 359 та оилавий пудратчиға 420 та пахтали шим, фуфайка, этик ва бошқа кийим-бош тарқатилгани муҳим омил бўлди. — Ҳўкуматимиз чорва қишлоқовини намунали ўтказиш учун барча шароитни яратиб берди, — дейди Томди тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мудири Сироҳиддин Сулейманов. — Масалан, жойларда омихта ем сотадиган шохобчалар очилди. Улар ёрдамида жорий йилда 1400 тонна концентрат озукта, 300 тонна қўжара, 350 тонна шелуха келтирилиб, ширкатлар ва фуқароларга сотилди. Шунингдек, ёзда жамғарилган 39 минг тонна хашак ҳам қиш кўларидега асқотди.

Томди кенгликери уч миллион гектар майдонни ташкил этади. Бир отардан иккинчи отарга бориш учун 50 километрдан 180 километргача бўлган масофадаги қумликларни босиб ўтишга тўғри келади. Саҳронинг кўз илғамас уфқларида истиқлол берган имкониятлардан оқилана фойдаланаётган чорвадорлар матонат ва шижоат бешигида ўлгайиб, узларнинг нималарга қодирликларини намойён этмоқдалар. Улар қўламда 174 минг бош совлиқнинг ҳар юз бошидан юзтадан қўзи олиб, унинг 80 фоизини ўстиришга қодирлиқ, йил охирига бориб, қўйлар туёқ сонини 300 минг бошга етказиш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

1992-2008 йилгача бўлган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг маъзули ва йиллик тўпламларини ҳамда маркаларни кляссер ва буклетларда тақдим этади. ТЕЛ: 233-70-33. САЙТ: WWW.POSTA.UZ. ФАКС: 236-36-48. E-MAIL: OAD@POST.UZ

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the publisher and subscription details.